

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.28.09.2018.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМий ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ЮСУПОВА ХАБИБА ИРИСКУЛОВНА

**УМУМий ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ
МИЛЛАТЛАРАРО МУЛОҚОТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК
ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD)диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2019

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of
philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

Юсупова Хабиба Ирискуловна

Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитлари.....3

Юсупова Хабиба Ирискуловна

Педагогические условия подготовки учащихся общеобразовательных средних школ к межнациональному общению.....23

Yusupova Khabiba Iriskulovna

Pedagogical conditions for preparing secondary school pupils to international communication.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.28.09.2018.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ЮСУПОВА ХАБИБА ИРИСКУЛОВНА

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ
МИЛЛАТЛАРАРО МУЛОҚОТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК
ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD)диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Ped375 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.namdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сафарова Рохат Гайбиллаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Азимова Зиёда Эргашевна
педагогика фанлари доктори, доцент

Эгамбердиева Турғуной Ахмаджановна
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.28.09.2018.Ped.76.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «6» сентябрь соат 1409 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси 316-уй. Тел.: (+99869) 227-06-12; факс: (+99869) 227-07-61; e-mail: info@namdu.uz)

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (10 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-29-81.

Диссертация автореферати 2019 йил «22» август кuni тарқатилди.
(2019 йил «22» август да 10 - рақамли реестр баённомаси).



Т.Файзуллаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

Х.Ё.Нажмидинова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

Н.Ш.Эркабоева
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д.

КИРИШ (диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, миллатлараро мулоқот турли миллат вакилларининг ўзаро ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиши, мулоқотга киришиши, фикр ва ахборот алмашилиши давлатлар ҳамда миллатларнинг тотувликда осойишта яшashi ва ҳамжиҳатликда фаолият кўрсатиши муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашнинг лингвомаданий механизмларини такомиллаштириш, антропологик ёндашув асосида ўқувчиларда инсонпарварлик туйғусини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бир қаторда, жаҳон миқёсида таълимни ривожлантириш тенденцияларидан келиб чиқиб, ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашнинг этнопедагогик тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлаш мазмунини такомиллаштириш, миллий ва умуммаданий компетенцияларни ривожлантириш масалаларига қаратилган илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу айниқса, ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашнинг ташкилий-функционал моделини ишлаб чиқиш, интегратив ёндашув асосида коммуникатив малакаларни ривожлантириш, ўқувчиларни байналмилаллик ва толерантлик руҳида тарбиялашнинг педагогик тизимини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Айтилган замонда, антропологик ва лингвомаданий ёндашувлар асосида ўқувчиларда миллатлараро мулоқот тажрибасини ривожлантиришнинг коллаборатив технологиясини, этнопедагогик механизмларини такомиллаштириш зарурияти юзага келмоқда.

Республикада ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашда миллий ва умуминсоний кадрларга асосланган таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, ўқувчиларда ижтимоий-маданий компетентлиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлаш мезонлари ва этнопедагогик хусусиятларини аниқлаш, маданий-инсонпарварлик ёндашуви асосида умумтаълим фанлари мазмунини такомиллаштириш бўйича илмий изланишларни амалга оширишни талаб қилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш”¹ устувор вазифалар этиб белгиланди. Бу эса, антропологик ва лингвомаданий ёндашувлар асосида ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлаш мазмуни,

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. /Расмий нашр/ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Адолат, 2017. – Б.37.

тамоийллари, модели ва этнопедагогик механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги ПФ-5046-сон “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сон “Ёшлар – келажагимиз” Давлат дастури тўғрисида”ги, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Миллатлараро муносабатларнинг турли жиҳатлари бўйича жамиятшунослар, педагоглар, тилшунослар ҳамда сиёсатшунослар томонидан бир қатор илмий изланишлар амалга оширилган. Жумладан, О.Р.Мусаев, А.С.Ачилдиев, А.Г.Мўминов, Ф.Р.Абдурахмонов, Р.Р.Назаров, Р.Г.Абдулатиповлар томонидан миллатлараро муносабатларнинг ижтимоий жиҳатлари ўрганилган. Ўқувчиларни мулоқотга ўргатиш, диалогик мулоқотни ривожлантиришнинг педагогик-психологик асослари Р.Г.Сафарова, А.С.Калдыбекова, К.Ф.Камалова, М.Куранов, О.Мусурмонова, Ҳ.П.Назарова, Ф.Ў.Ўринова, Ф.Ҳ.Аминова, Г.Р.Акрамова, И.И.Режаметовалар томонидан тадқиқ қилинган.

Шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) олимларидан Г.Г.Абдулкаримов, Г.Н.Волков, З.Т.Гасанов, С.Д.Гуриева, И.А.Дадов, С.В.Езан, Р.И.Кадиева, П.Ф.Комогоров, М.Н.Кузьмин, Р.И.Кусарбаев, И.Л.Ленский, В.Н.Мясищев, А.В.Мудрик, З.В.Сикевич, Т.Г.Стефаненко, Г.Н.Филонов, В.Ю.Хотинец, Ф.Ф.Харисовлар томонидан миллатлараро муносабатларни ривожлантиришнинг ижтимоий-сиёсий масалалари ўрганилган.

Хорижлик олимлардан G.Auernheimer, H.Barkowski, M.Bennet, M.Byram, G.Hofstede, P.Kaikkonen, A.Knapp-Potthoff, J.Lehtonen, B.Spitzberg, A.Thomasлар томонидан ўқувчиларда миллатлараро мулоқот компетенциясини шакллантириш моделлари ишлаб чиқилган.

Бироқ, мазкур муаммога алоқадор бўлган педагогик тадқиқотларда

Ўқувчиларда миллатлараро маданий муносабатларни шакллантиришнинг шакллари, методлари ва воситалари етарли даражада ёритилмаган. Шу билан бир қаторда, ўқувчиларда миллатлараро мулоқотни ривожлантириш зарурати билан педагогик амалиётда мазкур талабни қондиришга хизмат қиладиган дидактик воситаларнинг мунтазам янгилаб борилмаслиги яққол кўзга ташланмоқда. Бу эса, умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ЎзПФИТИ илмий-тадқиқот ишлари режасининг ХТ-Ф2-003. “Умумий ўрта таълим мазмунини модернизациялашнинг дидактик параметрлари ва стратегиясини белгилаш” (2007-2012 йй.) ҳамда Ф1-ХТ-1-31247 “Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш стратегияси” (2012-2016 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини миллатлараро мулоқотга тайёрлашнинг этнопедагогик механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“миллатлараро мулоқотга тайёрлаш” тушунчасини фалсафий, психологик ва педагогик нуқтаи назардан таҳлил қилиш, ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашнинг моҳиятини очиш;

ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашнинг этнопедагогик шарт-шароитларини аниқлаш;

интегрatív ёндашув асосида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини миллатлараро мулоқотга тайёрлаш босқичларини аниқлаш;

этнопедагогик технологиялар воситасида ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашнинг дидактик таъминотини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлаш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларида Тошкент шаҳридаги 229-, 300-, Жиззах вилоятидаги 1-, 7-, 36-, Самарқанд вилоятидаги 2-, 37-умумий ўрта таълим мактабларининг 518 нафар 5-9 синф ўқувчилари иштирок этди.

Тадқиқотнинг предмети 5-9 синф ўқувчиларини миллатлараро мулоқотга тайёрлаш мазмуни, педагогик-психологик хусусиятлари ва этнопедагогик механизмлари.

Тадқиқотнинг усуллари контент-таҳлил, қиёсий таҳлил, аналитик обзор, ўрганиш, кузатиш, савол-жавоб, суҳбат, анкета, педагогик тажриба-синов, математик-статистика.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлаш жараёнининг моҳияти “Миллий ғоя ва маънавият асослари” интегрatív курси бўйича умуммаданий компетенцияларни таркиб топтириш жараёни билан толерантлик

маданиятини ривожлантиришнинг қайта алоқасини таъминлаш асосида аниқлаштирилган;

умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг ижтимоий онгини шакллантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларидан келиб чиқиб, матнли-диалогик, маданиятшуносликка оид, интегратив ва контекстли ёндашувларни уйғунлаштириш орқали ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашнинг этнопедагогик шарт-шароитлари такомиллаштирилган;

мактаб, оила ва маданий-маърифий муассасалар ҳамкорлигини таъминлашга йўналтирилган коллаборатив таълим технологиясига асосланган когнитив, интерфаол, креатив, ижтимоий-маданий босқичларини киритиш орқали ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлаш мазмуни такомиллаштирилган;

ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашни таъминлашга хизмат қиладиган дидактик таъминот этнотуризм, этноэкскурсия, виртуал экскурсия, театр студиясини ташкил этиш бўйича диалогли, муаммоли, эмпатик, арт ва ўйин терапия машғулотларини интенсив лойиҳалаш механизмини жорий этиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлаш” тушунчасининг мазмун-моҳияти очиқ берилган, шунингдек, замонавий ёндашувлар асосида ўқувчиларда миллатлараро мулоқотга тайёрлаш кўникмаларини ривожлантириш мезонлари ва кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашнинг этнопедагогик шарт-шароитлари асосида таълим олувчилар учун мўлжалланган “Миллатлараро мулоқот маданияти” номли тўғарак машғулотлари ва ўқитувчилар учун “Ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлаш” номли ўқув семинари дастури ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилинган;

ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашнинг этнопедагогик механизмларини такомиллаштиришга қаратилган интерфаол, ролли, халқ ўйинлари, ўқув лойиҳалари, муаммоли-диалогик вазиятлардан фойдаланишнинг имкониятлари аниқланган ва улар умумтаълим мактабларида “Миллий ғоя ва маънавият асослари” туркумига кирувчи фанларни ўқитиш жараёнига татбиқ этилган;

ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашда музей ва умумий ўрта таълим мактаблари ҳамкорлигини амалга ошириш мақсадида “Мен экскурсовод” лойиҳаси доирасида мавзули экскурсия ишланмалари яратилган ва дарсдан ташқари машғулотлар жараёнига татбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқ этилаётган муаммога илмий-педагогик ёндашув, тадқиқот мақсади, предмети ҳамда педагогик вазифалар моҳиятига мувофиқ тадқиқот методларининг танланганлиги, тажриба-синов ишларига жалб этилган респондентлар сонининг талаб даражасида эканлиги, тажриба-синов ишларининг статистик маълумотларга таянилганлиги ва математик-статистик жиҳатдан қайта ишланганлиги, олинган натижаларнинг аниқ методлар ёрдамида текширилганлиги, тўпланган материалларнинг диссертация мазмунини

ёритишга имкон берадиган ҳажмда эканлиги, диссертация мазмунининг илмий журналларда чоп этилган мақолалар ҳамда илмий анжуманлардаги маърузалар орқали оммалаштирилганлиги ва маъқулланганлигида ўз аксини топган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг назарий аҳамияти ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашга оид назарий ёндашувлар, қарашлар, илмий-методик тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги, ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашга йўналтирилган педагогик тизимнинг ўзига хос жиҳатлари, назарий асосларининг аниқлаштирилганлиги, ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашга доир компетенцияларнинг аниқланганлиги, ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашнинг ижтимоийлашув билан алоқадорлигининг очиб берилганлиги, миллатлараро мулоқотга тайёрлаш жараёнида умумтаълим фанларидан фойдаланиш имкониятларининг ёритилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашга доир ўқув вазиятларининг лойиҳалаштирилганлиги, ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашнинг интерфаол технологиялари такомиллаштирилганлиги, умумтаълим фанларини ўқитиш жараёнида ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашга доир амалий тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади. Тадқиқот натижаларидан педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида, педагогика, психология ҳамда ижтимоий гуманитар туркумдаги ўқув фанлари бўйича бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнида назарий ва амалий материал сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини миллатлараро мулоқотга тайёрлаш бўйича илмий натижалар:

ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлаш жараёнининг моҳияти, “Миллий ғоя ва маънавият асослари” интегратив курси бўйича умуммаданий компетенцияларни таркиб топтириш жараёни билан толерантлик маданиятини ривожлантиришнинг қайта алоқасини таъминлашга доир таклифлардан “Ўзбек тили”, “Рус тили”, “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фанлари бўйича малака талабларини такомиллаштиришда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 30 майдаги 01-02/2-2-162-сон маълумотномаси). Натижада умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашда фанлараро алоқадорликни таъминлашга эришилган;

матнли-диалогик, маданиятшуносликка оид, интегратив ва контекстли ёндашувларни уйғунлаштириш орқали ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашнинг этнопедагогик шарт-шароитлари, мактаб, оила ва маданий-маърифий муассасалар ҳамкорлигини таъминлашга йўналтирилган коллаборатив таълим технологиясига асосланган когнитив, интерфаол, креатив, ижтимоий-маданий босқичларни аниқлашга доир таклиф ва тавсиялар Ф1-ХТ-1-31247 “Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга

асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш стратегияси” мавзусидаги лойиҳа доирасида амалиётга татбиқ этилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 30 майдаги 01-02/2-2-162-сон маълумотномаси; Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 1 июндаги 89-03-2344-сон маълумотномаси). Натижада таълим-тарбия жараёнида толерантлик, прагматик ва праксиологик педагогика имкониятларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришилган;

этнотуризм, этноэкскурсия, виртуал экскурсия, театр студиясини ташкил этиш бўйича диалогли, муаммоли, эмпатик, арт ва ўйин терапия машғулотларини интенсив лойиҳалаш механизмини жорий этиш асосида ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашнинг дидактик таъминотидан ФЗ-2016-0909111822 “Дарсликлар ва ўқув адабиётлари мазмунига Шарқ педагогик тафаккури дурдоналарини сингдириш орқали ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантириш механизмлари” мавзусидаги лойиҳа доирасида интерфаол машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 1 июндаги 89-03-2344-сон маълумотномаси). Натижада “оммавий маданият”га қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантиришда ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашнинг коллаборатив технологиясидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 16 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 46 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 та республика, 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, 144 саҳифа матн, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек объекти, предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ҳамда амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг “�қувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашнинг назарий асослари” деб номланган биринчи бобида ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашнинг ижтимоий-педагогик зарурат эканлиги, ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашнинг педагогик-психологик хусусиятлари, ўқувчиларда миллатлараро толерантликни ривожлантиришнинг ўзига хосликлари баён этилган.

Миллатлараро мулоқот тушунчасининг моҳияти барча миллат ва элатлар томонидан тўпланган, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган анъана, кадриятларни ривожлантириш ҳамда сақлаб қолишда ўз аксини топади. Мазкур тушунча умуммаданий компетенция асосида турли миллат вакиллари ўртасида ўзаро ишончга асосланган мулоқотни йўлга қўйишни талаб этади ва шахснинг ижодий ҳамда маънавий ривожланиши учун шарт-шароит яратади.

Педагогика фанида миллатлар ёки маданиятлараро мулоқот тушунчасининг кенг талқин этилиши унинг кадриятли ва технологик даражаларини тадқиқ этишга ундайди. Маданият ижтимоий-педагогик ҳамда психологик ҳодиса сифатида ўзида кадриятлар ва фаолият усулларини мужассамлаштиради. Шунинг учун ҳам биз миллатлараро мулоқот тушунчасини ижтимоий-педагогик ҳодиса сифатида таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Ана шу нуқтаи назардан ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлаш тушунчасига қуйидагича муаллифлик таърифи берилди: “Ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлаш миллий ва умуммаданий таянч компетенция билан алоқадорликда маданиятлараро мулоқотни ривожлантириш доирасида шахснинг маданий идеалларни ўзлаштиришига қаратилган ташкилий, режали, мақсадга йўналтирилган ҳамда босқичма-босқич амалга оширишни талаб этадиган жараёндир”.

Тадқиқот доирасида ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлаш билан алоқадор матнли-диалогик, маданиятшуносликка оид, интегратив ва контекстли ёндашувларнинг мазмун-моҳияти аниқлаштирилди.

Миллатлараро мулоқот доирасида ўқувчиларда миллатлараро бағрикенгликни шакллантириш алоҳида аҳамиятга эга. Миллий бағрикенглик бошқа миллат вакилларига нисбатан ҳурмат, меҳр-муҳаббат, шафқат ва ғамхўрлик демакдир. Ўқувчиларнинг бошқа миллат вакилларига нисбатан қабул қилиб бўладиган ва тоқат қилиб бўлмайдиган муносабатлари бир қатор ҳиссий жиҳатларига эга. Шунинг учун ҳам, ўқувчиларда миллатлараро мулоқот кўникмаларини шакллантиришда дастлаб миллий бағрикенгликни таркиб топтириш керак.

Турли миллат вакилларининг маданий ўзига хосликлари ва ментал хусусиятларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш миллатлараро мулоқотга тайёрликнинг муҳим шартларидан биридир. Бундай ҳурмат натижасида ўқувчилар бошқа миллат вакиллари маданиятига юксак баҳо бериш кўникмасини эгаллайдилар. Миллий-маданий турли-туманликни тан олиш ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашнинг яна бир муҳим шартидир. Агар ўқувчилар ўзгаларнинг миллий мансублиги ҳамда маданиятини тан олсалар, миллий бағрикенглик ўзаро бир-бирини тушуниш, маданий фарқларни тан олиш ва қабул қилиш миллатлараро мулоқотга тайёр

бўлиш учун етарли эмаслигини улар ҳам, ўқитувчи ҳам тушуниб этади. Шунга кўра, ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашда фаол фуқаролик компетенциясини таркиб топтириш алоҳида аҳамиятга эга.

Тадқиқот доирасида ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашнинг қуйидаги принциплари аниқланди:

ўқувчиларнинг фикрлари, қабул қилган қарорлари, эркинликлари, фазилатлари ва шахсиятларига ҳурмат билан қараш. Ушбу принципга таяниш асосида ўқитувчи ўқувчиларнинг қизиқишлари, манфаатлари ва интилишларининг муҳимлигини эътироф этади;

табиат билан уйғунлик принципи. Бунинг учун ўқитувчи ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятлари, қизиқишлари, ютуқ ва камчиликларини яхши билиши ҳамда улар билан дўстона мулоқотга кириша олиши лозим;

ўқувчиларнинг имкониятларини рўёбга чиқариш, улар учун истикболли бўлган ривожланиш йўлини белгилаш принципи. Бунинг учун ўқитувчи ўқувчиларнинг қалбига йўл топа олиши, уларнинг қизиқишларини аниқлаши лозим;


бағрикенглик принципи. Мазкур принципга таяниб иш кўриш ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга.

Диссертациянинг **“Ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашнинг этнопедагогик тизими”** деб номланган иккинчи бобида интегратив ёндашув асосида ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашга йўналтирилган педагогик жараён мазмуни, модели ва технологияси ёритиб берилган.

Ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлаш жараёнини муваффақиятли амалга ошириш мақсадида стратегик мақсадга эришиш йўли (ўқувчиларда миллатлараро мулоқотни ривожлантириш)ни акс эттирувчи муаллифлик модели ишлаб чиқилди. Мазкур модел ўзида ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашда реал имкониятларни юзага келтирувчи, ички ва фанлараро алоқадорлик билан бойитилган мотивацион, мазмунли-ташкилий, ташкилий-бошқарувга доир ҳамда диагностик блокларни ўзида мужассамлаштиради (1-расмга қаранг).

Мотивацион блок ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашнинг мотивацион-қадриятга йўналтирилган компонентини ўзида акс эттирди. Мазкур ҳолатда таянч асос сифатида тарихий-маданий мерос, маънавият ва маданият билан уйғунлик тамойилларини кўзда тутувчи маданиятшуносликка доир ёндашувга таянилди.

Мазмунли блок ўқувчиларда ўз-ўзининг ва бошқа халқларнинг тарихи, маданияти, бошқа миллатларнинг ўзига хослигига (тарихи, тили, диний урф-одатлари, турли миллат вакилларининг ўзаро биргаликдаги фаолияти учун мақбул умумий меъёр ва қоидалар) доир билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган. Мазкур блокни лойиҳалашда контекстуал-диалогик ёндашувга асосланилди. Ёндашувнинг асосий тамойили сифатида матнда акс этган мазмунни баён этиш структураси инсон билиш фаолиятининг психологик тузилмасига мослиги белгиланди.



1-расм. Ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашга йўналтирилган педагогик жараён модели

Ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлаш жараёни ҳаётий вазиятларда толерант бўлишга асосланган миллий маданият асосларини фаол ўзлаштириш, ўқув вазиятидан миллатлараро мулоқот маданиятини намоён этиш фаолиятига ўтишга доир кўникмаларни шакллантириш билан алоқадор турли-туман методлар (кросс-маданий, муаммоли, эмпатия методи, ўйин терапия ва ҳ.к.), ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш шакллари (муаммоли мунозаралар, тренинглар, ноанъанавий дарслар ва ҳ.к.), воситалари (мультимедиа, интернет-ресурслар, интерактив доска ва ҳ.к.)ни самарали қўллашни талаб этади.

Ташкилий-бошқарув блоки интегратив ва контекстли ёндашувлар асосида миллатлараро мулоқотнинг фаолиятли компонентини ўз ичига олади. Шунга кўра, мазкур блок учун интенсивлик, илмийлик, тушунарлилик, ижодийлик, индивидуал ва жамоавий ёндашувларнинг бирлиги тамойилларини танлаб олиш муҳим саналади. Ушбу блок мазмуни ўқувчиларнинг миллатлараро мулоқот тажрибасини бойитиш, уларда синфдан ташқари тадбирларда иштирок этиш орқали турли миллат вакиллари билан мулоқот маданиятига доир ижобий тажрибани қарор топтиришга йўналтирилган.

Диагностик блок мезонли-диагностик воситаларни ўзида акс эттирган бўлиб, ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлаш натижаларини мунтазам назорат ва таҳлил этишни таъминлайди.

Муаллифлик моделини амалга ошириш бир қатор педагогик шарт-шароитларни талаб этди: таълим жараёнининг ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашга йўналганлигини таъминлаш; ўқув (шакл, метод ва воситалардан комплекс фойдаланиш нуқтаи назаридан ижтимоий-гуманитар туркумдаги фанлар мазмунини ўқув фанига ва ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашга доир билимлар интеграциясини таъминлаш орқали бойитиш), дарсдан ташқари (ўқувчилар учун “Миллатлараро мулоқот маданияти” тўғарак машғулоти), синфдан ташқари (Миллатлараро мулоқот тажрибаси ва турли миллат вакиллари билан мулоқот кўникма ва малакаларини шакллантиришга йўналтирилган тадбирларни ташкил этиш: миллий анъаналар фестивали, диний байрамлар, тўғарак (вокал, хор, хореографик, тасвирий санъат), ўлкашунослик-туристик тадбирлар (ўлкашунослик музейларига саёҳатлар уюштириш), шаҳар, туман, вилоят олимпиадаларида иштирок этиш), фан ўқитувчилари, синф раҳбарлари ҳамда маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари учун “Ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлаш” ўқув семинарларини жорий қилиш.

Ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашда ижтимоий-гуманитар туркумдаги фанларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш талаб қилинади. Бу ижтимоий-гуманитар туркумдаги фанларнинг ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги ҳамда ўқувчиларга турли миллатларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида маълумот бериш имкониятининг мавжудлиги билан изоҳланади.

Ижтимоий-гуманитар туркумдаги “Она тили”, “Адабиёт” (5-9 синф), “Тарихдан ҳикоялар” (5-синф), “Тарих” (6-синф), “Ўзбекистон тарихи”(7-9 синф), “Жаҳон тарихи” (7-9 синф), “Давлат ва ҳуқуқ асослари” (8-9 синф), “Ватан туйғуси” (5-6 синф), “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” (7-9 синф), “Чет тили” (5-9 синф), “Рус тили” (5-9 синф) ўқув фанлари таркибида ўқувчиларга миллатлараро муносабатлар ҳақида назарий билимлар ва маълумотлар берилиши керак. Умумий ўрта таълим мактабларида бошқа ўқув фанларидан фарқли тарзда “Тарих”, “Адабиёт”, “Она тили”, “Ўзбек тили” (“Рус тили”), “Чет тили” дарсларида ўқувчиларга миллатлараро муносабатлар ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш имкониятлари кенгроқ. Бу жараёнда ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлаш ҳаракатларини амалга ошириш учун қулай педагогик шарт-шароитлар мавжуд. Бу кўп жиҳатдан мазкур фан ўқитувчиларининг амалий фаолиятлари билан боғлиқ. Ўқувчиларнинг миллий ва умуминсоний кадриятларни ўзлаштиришга йўналтирилган ўқув фаолиятлари ўзида ҳиссий кечинмаларни англаш кўникмаларини ҳам мужассамлаштиради.

Ижтимоий-гуманитар туркумдаги фанлар ўқувчиларни ижтимоий, маданий жиҳатдан микросоциумга мослаштириш имкониятига эга. Ижтимоий-гуманитар туркумдаги фанлар ихтиёрига ўқув вақтининг катта қисми берилган. Шунинг учун ҳам, ижтимоий-гуманитар туркумдаги фанлар тизимида икки йўналишдаги ўқув машғулотларини ташкил этиш назарда тутилди:

мажбурий машғулотлар – улар ижтимоий-гуманитар туркумдаги фанлар мазмунининг асосий негизини қамраб олади. Бунда ўқувчиларнинг умуммаданий, миллий жиҳатдан аҳамиятли бўлган кадриятларни ўзлаштиришларига алоҳида эътибор қаратилади. Улар ёрдамида ўқувчиларда шахсий сифатлар, жамият эҳтиёжларига мос келадиган билим, кўникма ва малакалар таркиб топтирилди;

ўқувчиларнинг танловларига асосланган ҳолда ташкил этилган чуқурлаштирилган ўқув машғулотлари – бундай машғулотлар ўқувчиларнинг индивидуал тарзда ривожланишларини таъминлаб, уларнинг ўзига хосликлари, қизиқишлари ва мойилликларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилди.

Шунингдек, тадқиқот доирасида ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашда синф, мактаб жамоаси ва мактаб, оила ва маданий-маърифий муассасалар ҳамкорлигини таъминлашга йўналтирилган коллаборатив таълим технологиясини такомиллаштиришга эришилди (2-расмга қаранг).

Ижтимоий-гуманитар туркумдаги фанларни ўқитишда дарс жараёнида ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашнинг куйидаги интерфаол шакллари қўлланилди: интерфаол, ролли, халқ ўйинлари, ўқув лойиҳалари, муаммоли-диалогик вазиятлар.

Интерфаол ўйин ўқув-тарбия жараёни иштирокчиларининг ўз-ўзини намоён этиши, ривожлантириши учун мақбул шарт-шароитлар яратишда самарали педагогик технология бўлиб, “Ўз ўрнингни топ”, “Тугалланмаган гаплар”, “Қарорлар шажараси”, “Келинг, дўстлашамиз” каби ўйинларни

ташкил этиш орқали ўқувчиларнинг ўз шахсий нуқтаи назарларини қарор топтириш, мунозарага киришиш, бошқаларнинг фикрларини тинглаш ва хурмат қилиш компетенциялари шакллантирилди.



2-расм. Ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашнинг коллаборатив технологияси

“Ўз ўрнингни топ” ўйинида қуйидаги масалаларга эътибор қаратилди: “Ўзаро хурмат ва толерантлик – халқлар ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорлик асоси”, “Ҳамкорликдаги меҳнат халқларни бирлаштиради”, “Агар халқлар аҳил бўлса, улар енгилмасдир”, “Мен Ўзбекистонда яшаётганим билан фахрланаман” ва ҳ.к.

“Тугалланмаган гаплар” ўйинини ўтказиш учун ўқувчиларга қуйидаги мавзулар тақдим этилди: “Оила – бу...”, “Халқлар дўстлигининг муҳимлиги шундаки ...”, “Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ...”, “Ўзбек миллий либослари ...”, “Мен фахрланаман ...” ва ҳ.к.

“Қарорлар шажараси” интерфаол ўйинини ташкил этишда ўқувчиларга қуйидаги саволлар тақдим этилди: “Нима учун биз Ватанни оила билан таққослаймиз?”, “Умумхалқ байрамлари нима учун керак?” ва ҳ.к.

“Келинг дўстлашамиз” ўйини давомида ўқувчилар қуйидаги мавзуларда ўз фикрларини баён этишди “Дўстлик – бу...”, “Ҳақиқий дўст – бу ...”, “Дўст бўлиш қийин, бироқ ...” ва ҳ.к.

Синф жамоаси билан биргаликда “Эътибор қарат”, “Мени тушун”, “Мумкин ва мумкин эмас”, “Турли халқларда меҳмондўстлик анъанаси” каби мавзуларда ролли ўйинлар ташкил этилди.

Ахборот-коммуникация технологиялари воситасида ўқув лойиҳасини бажаришда қуйидаги мавзуларга доир топшириқлар тақдим этилди: “Бизнинг маҳалла”, “Обод қишлоқ ва маҳалла”, “Миллий либослар”, “Миллий таомлар”, “Турли миллат вакиллариининг Ўзбекистонни ривожлантиришдаги хиссаси”, “Ўзбекистон халқлари дўстлиги” ва ҳ.к.

Мактаб жамоасининг ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлаш жараёни қуйидаги этнопедагогик таълим шакллари асосида амалга оширилди:

фольклор байрамлари: “Ҳосил байрами”, “Наврўз”, “Сабантўй”; китобхонлик анжумани; санъат ва спорт соҳаси вакиллари билан матбуот анжумани; адабий кеча: “Ўзбекистонлик машҳур шоир ва ёзувчилар”; мусикий кеча; “Миллий либослар куни”; “Миллий тиллар куни”; “Дўстлик куни”;

акция: “Хайрли иш”, “Эътиборли бўл!”, “Биз табиат билан дўстлашамиз!”, “Табассуминг билан улаш!”, “Бизнинг кучимиз – дўстликда!”, “Миллий маданият бурчаги учун экспонатлар тўплаймиз!”, “Мен сен билан ғурурланаман, Ўзбекистоним!”, “Дўстликни асранг!” ва ҳ.к.;

ўқувчиларнинг этномаданий мавзудаги ижодий ишлари кўرғазмаси: “Биз Ўзбекистонда яшаймиз”, “Менинг халқим қиёфаси”, “Халқ эртаклари қахрамонлари: ўхшашлиги ва фарқли жиҳатлари”, “Миллий байрамлар”, “Миллий колорит асосида расмлар чизамиз” ва ҳ.к.;

иншолар танлови: “Ўзбекистон – Ватаним маним”, “Менинг оилам”, “Менинг маҳаллам”; асфальтга расмлар чизиш: “Салом, дўстлик!”, ижодий иш: “Ватанимиз қудрати халқимиз бирдамлигида” ва ҳ.к.

Мактаб, оила ва маданий-маърифий муассасалар ҳамкорлигига асосланган ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлаш жараёни қуйидаги шаклларда ташкил этилди: ота-оналар ўқуви (ота-оналар мажлисини ўтказиш, маърузалар, семинарлар, этноэтика, индивидуал ва гуруҳли маслаҳатлар, тренинг, мунозаралар ташкил этиш, давра суҳбати, кечалар, маҳорат дарслари ва ҳ.к.); миллий байрамларни ташкил этиш ва иштирок этиш (“Ҳосил байрами”, “Сабантўй”, “Акша келу” ва ҳ.к.); синф хонасини жиҳозлашда иштирок этиш: кўрғазмалар ташкил этиш, ижодий ишлар, фото такдимотлар, лойиҳалар, стендлар, мини-музей ёки миллий маданият бурчаги, миллий таомлар тайёрлаш ва ҳ.к.; турли миллат вакиллари ҳаётини акс эттирувчи спектаклларда иштирок этиш; ҳамкорликда этноэкскурсиялар ташкил этиш ва ўтказишни кўзда тутувчи этнотуризм; оилавий китобхонлик; этномаданий мавзудаги кўрғазмалар, спектакллар, концертларга ташриф буюриш.

Шунингдек, мактаб ва оила ҳамкорлиги доирасида ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашда катта имкониятларга эга бўлган маданий-маърифий муассасалар (музей, кутубхона, театр ва ҳ.к.) ҳамкорлигини йўлга қўйишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашда музей ва умумий ўрта таълим мактаблари ҳамкорлиги қуйидаги йўналишларда амалга оширилди: экскурсиялар, кўрғазмалар ташкил этиш, викториналар ўтказиш; “Мен экскурсовод” лойиҳаси доирасида мавзули экскурсиялар уюштириш: “Ота-оналаримизнинг касблари”, “Менинг юртим фото тасвирларда”, “Шаҳаримиздаги меъморий ёдгорликлар” ва ҳ.к.; миллий маданият бурчаги (ўзбек, қорақалпоқ, тожик, қozoқ, қирғиз, туркман, рус, татар, корейс)ни ташкил этиш.

Шунингдек, мазкур жараёнда виртуал экскурсияни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўқувчиларга Интернет тармоғидан олинган материаллар асосида турли миллат вакилларининг тарихи ва маданияти билан виртуал танишиш имконияти берилди. Ана шу тарзда музей ва умумий ўрта таълим мактаблари ҳамкорлиги асосида ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлаш жараёни самарадорлигига эришилди. Музей-педагогик фаолият ўқувчиларнинг ижодий қобилиятлари, коммуникатив кўникмаларини ривожлантириш орқали уларда миллий ва умуммаданий компетенцияни ривожлантиришга хизмат қилди.

Диссертациянинг **“Ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлаш тизимининг самарадорлиги”** деб номланган учинчи бобида тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари баён этилган.

Тажриба-синов ишларини ташкил этиш мақсадида ўқувчилар учун мўлжалланган “Миллатлараро мулоқот маданияти” номли тўғарак машғулоти ва ўқитувчилар учун “Ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлаш” номли ўқув семинарлари тақвим-мавзу режаси ишлаб чиқилди. Тўғарак машғулоти ва ўқув семинарлари тақвим-мавзу режасини ишлаб чиқишда ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашнинг концептуал фоялари, назарий-педагогик асосларига таянилди.

Тажриба-синов ишлари Тошкент шаҳри Сергели туманидаги таълим икки тилда олиб бориладиган 300-ихтисослаштирилган, Учтепа туманидаги 229-умумий ўрта таълим муассасалари, Жиззах вилояти Жиззах шаҳридаги 1-, 7-, Зомин туманидаги 36-сонли таълим ўзбек ва қирғиз тилларида олиб бориладиган умумий ўрта таълим муассасалари, Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳридаги таълим ўзбек ва рус тилларда олиб бориладиган 37-умумий ўрта таълим муассасаси, Нуробод туманидаги таълим рус тилида олиб бориладиган 2-умумий ўрта таълим мактабларида ташкил этилди.

Тажриба-синов гуруҳларини ташкил этишда асосан таълим икки тилда олиб бориладиган мактабларнинг ўқувчилари танлаб олинди. Мазкур ўқувчиларнинг турли миллат вакилларига мансубликларига эътибор қаратилди. Чунки, турли миллат вакиллари бўлган ўқувчиларнинг ўзаро бир-бирлари билан ҳамкорлик қилишлари уларни миллатлараро мулоқотга киришиш кўникмаларини эгаллаш жараёнини жадаллаштирди.

Тажриба-синов ишларида жами 518 нафар ўқувчилар респондентлар сифатида иштирок этдилар. Назорат гуруҳлари сифатида 5 “а”, 6 “а”, 7 “а”, 8 “а”, 9 “а” синфлари (261 нафар), тажриба гуруҳлари сифатида 5 “б”, 6 “б”, 7 “б”, 8 “б”, 9 “б” синфлари (257 нафар) танланди. Тажриба-синов ишлари давомида мактаблардаги ўқув жараёнининг ташкил этилишига ўзгартиришлар киритилмади, синф таркиби махсус танланмади, ўқув йили бошланишида қандай бўлса, шундай тарзда қолдирилди.

Тажриба-синов ишлари икки босқичда амалга оширилди: аниқлаштирувчи (режа тузиш, диагностик методикалар асосида миллатлараро мулоқотга тайёрлашнинг мавжуд ҳолатини аниқлаш) ва шакллантирувчи (ижтимоий фанлар, тўғарак машғулоти, синфдан

ташқари ишлар асосида ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлаш даражасини ошириш бўйича мақсадга йўналтирилган фаолият).

Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган муаллифлик модели асосида ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлаш жараёни самарадорлигини аниқлаш мезонлари, кўрсаткичлари ва диагностик воситалари аниқлаштирилди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Ўқувчиларни миллатлараро мулоқотга тайёрлаш самарадорлигини аниқлашнинг диагностик тизими

Мезонлари	Кўрсаткичлари	Диагностик воситалари
Когнитив	Ўзининг ва бошқа миллатлар тарихи ва маданиятига оид билимлар, бошқа миллатларнинг ўзига хосликлари (тарихи, тили, дини, урф-одатлари, ахлоқ меъёрлари)	Миллатлараро мулоқотнинг когнитив компонентини ўрганишнинг контент-таҳлили, муаллифлик сўровномаси, ҳаётий вазиятлар билан ишлаш (муаллифлик методикаси)
